



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Тошпўлат Матибаев,
социология фанлари доктори,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
кенгаши депутати

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ривожланишини сустлаштириб, бошқарув тизимига путур етказди, фуқароларнинг давлат органлари, қонун устуворлиги, ижтимоий адолатга бўлган ишончини йўқотади. Айнан шу сабабли ҳам ҳар қандай жамият коррупцияга қарши мунтазам ва изчил кураш олиб боради.

Шу нуқтаи назардан мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик мақсад этиб белгиланиб, уни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, коррупциявий жиноятларга қарши курашиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Соҳага доир ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, аввало, мазкур меъёрлар қабул қилинган ва амалиётга жорий қилингандан сўнг самара бериши мумкинлиги ҳақида олдиндан атрофлича ўйлаб кўришимиз лозим.

Қонуннинг амалиётдаги самарадорлиги нима? Бу – ҳуқуқий меъёр ва ундан кўзланган мақсад, қонун амалиётга жорий қилинган, эришилган амалий натижалар билан мутаносиб келишидир. Барча ҳолатларда ҳам натижанинг самарадорлик даражаси юқори бўлишида ташқи таъсирларни унутмаслик муҳимдир. Қонунга нисбатан олганимизда, бу –

«Агар одам уни ҳеч ким пора бериб сотиб олмаётганлиги учунгина ҳалол – пок бўлса, бунинг таҳсинга лойиқ жойи кам»¹.

Цицерон

¹ Жалилов А. Сержило тафаккур дурдоналаридан: (Фалсафий ҳикматли иборалар ва мухтасар фикрлардан намуналар). – Т.: «Наврўз», 2003. – 109 бет.

ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар бўлиши мумкин.

Қонуннинг самарадорлигини оширувчи омилларга қуйидагилар киради:

- Қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрларнинг сифат даражаси;
- Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг сифат даражаси.

Қонуннинг самарадорлигига таъсир этувчи ижтимоий омилларга қуйидагилар киради:

- жамиятнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси;
- жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий маданият даражаси;
- ҳуқуқий меъёр талабларининг жамият ривожланиш даражасига мослиги.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинишида юқорида айтилган меъёрларга амал қилинганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Бюджет ва Божхона кодекслари, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»²ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»³ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»⁴ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»⁵ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»⁶ги қонунлар қабул қилинди.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон минтақамизда биринчилардан бўлиб, 2004 йилдаёқ «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»⁷ги Қонунни қабул қилди.

Бироқ, очиғини тан олиш керак, мамлакатимизда 2017 йилга қадар коррупцияга қарши курашни мувофиқлаштирадиган, бу курашнинг қонунийлиги ва шаффофлигини амалда таъминлайдиган махсус қонун қабул қилинмаган эди.

Коррупцияга қарши курашиш ва бу соҳада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида «Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида яқинда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим»⁸, дея алоҳида қайд этиб ўтгани бежиз эмас.

Орадан кўп ўтмай, Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 13 декабрда маъқулланган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2017 йил 3 январь куни қабул қилинди. 6 боб ва 34 моддадан иборат ушбу қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда.

⁸ Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – 48 бет.

ва мақсадли чора-тадбирлар белгиланди.

Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг мазкур йўналишдаги иштироки ва халқаро ҳамкорлик мезонлари белгилаб ўтилган.

Шу ўринда, Қонуннинг ҳуқуқий жиҳатлари, уни амалга ошириш механизмлари ҳамда ижросини таъминлашга масъул бўлган идораларнинг асосий вазифа ва мақсадларига тўхталиш лозим.

Бевосита коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари:

- Бош прокуратура;
- Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Адлия вазирлиги;

• Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти.

Ушбу ташкилотларнинг барчаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади. Коррупцияга қарши курашувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент

шаҳрида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

Шунингдек, давлат органлари билан бир қаторда коррупцияга қарши курашишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларнинг шахсан ўзлари ҳам иштирок этишлари қонун йўли билан мустаҳкамланди. Бунда улар соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутди.

Олимларнинг илмий хулосалари ва кузатувларига кўра, коррупция – жамиятда ижтимоий тенгсизликнинг кучайтириши, иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишига тўсқинлик қилишдан ташқари, аҳолининг ҳокимиятга, адолатга бўлган ишончини сўндиради. Фуқаролар орасида бефарқлик, лоқайдлик кучайишига олиб келади.

Шубҳасиз, қонун ижроси билан кучли. Ижронинг изчиллиги жамиятда адолатни таъминлайди, коррупцияни жиловлайди. Шунинг учун «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунда давлат бошқаруви, хусусий бизнес ва тадбиркорлик соҳаси, маъмурий бошқарув, давлат харидларини амалга ошириш каби ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қонун коррупцион қарорларнинг бекор қилинишини кафолатлайди. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра, ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Бу ҳолатда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий-маънавий зарарнинг ўрни қопланиши лозим.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш олиб боришнинг тадрижий давоми сифатида 2017 йилнинг 2 февralида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁹ги Қарори муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарор билан 2017–2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Дастур доирасида 2018 йилда бир қатор қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг нормалари қайта кўриб чиқилди ва ушбу Кодекснинг бир қанча моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди. Мазкур Қарор асосида коррупцияга қарши кураш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш ҳам кўзда тутилди.

Шунингдек, ҳар ярим йилликда идоралараро ишчи гуруҳи ушбу соҳадаги вазирлик ва давлат органлари даражасида коррупцияга қарши кураш чораларининг амалга оширилиши юзасидан тадқиқот олиб бориши белгиланган.

Давлатимизда коррупцияга қарши кураш соҳаси бўйича тизимли равишда олиб бориладиган мониторинг ҳисоботларининг очиқлиги таъминланди. Ушбу

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.

соҳадаги фаолият натижаларини радио, телевидение, босма ва электрон ОАВ орқали, шу жумладан, коррупцияга қарши кураш чораларига оид дастурлар, давра суҳбатлари, семинарлар, интервьюларни, матбуот конференцияларини ва бошқа тадбирларни доимий равишда ташкил этиш йўли билан ёритиш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар адолатли, мамлакат тақдири учун қайғурадиган, ҳалол, пок, салоҳиятли кадрларни тарбиялашни тақозо этмоқда. Бугун дунёда шиддат билан кечаётган янгиланишлар, тараққиёт биздан ҳам новатор бўлишни талаб қилмоқда.

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз бу – жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва ижтимоий истиқлолга эришиш йўлидир. Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпарварларгина, ўз мамлакати ва халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч-ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади. Коррупция эса пировард мақсадимизга олиб борувчи бу йўлдаги энг катта тўсиқдир. Шу боис давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев коррупция, порахўрлик, тамагирликка қарши курашиш, давлат идораларининг халққа хизмат қилишини устувор вазифа деб белгилади.

Демак, жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир ўтказадиган, тараққиётимизга тўсиқ, миллий хавфсизлигимизга таҳдид саналадиган коррупцияга қарши муросасиз курашиш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга барчамиз бирдек масъулмиз.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар яратилган. Бу эса коррупция иллатининг олди олинишига ижобий таъсир кўрсата оладиган ишончли механизмдир.